
Меморандум имзоланди

Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев Туркия Республикасидан ташриф буюрган “Gultas” компания раҳбари Ўмар Гулташ, компания ходими Хусейин Уйсал, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари Расим Качар ва Халил Ундар Туркни қабул қилди. Улар билан қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатларини етказиб бериш ва ушбу техникаларни Тошлоқ туманида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кейинги йилларда экиладиган экинларни ҳосилдорлигини ошириш ҳамда тупроқ иқлим шароити 3 хил тоифадаги экин ерларида жами 600 гектар майдонда пахта етиштириш учун дастлабки келишувлар амалга оширилди.

Тез орада туманда қўшма корхонани очиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини ўқитиш, туман пахтачилик кластери билан ҳамкорликда янги пахта навларини яратиш, ҳосилдорликни 50 центнердан ошириш бўйича меморандум имзоланди.

2020-11-02 16:08:21